# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 14 март, № 50 (9221) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Таъкидланганидек, юртимиз нуфуси 38 миллиондан ошди, сўнгги тўққиз йилда аҳоли даромади икки карра кўпайди. Халқимиз оғирини енгил қилиш, уни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш бўйича вазир ва ҳокимлар маҳалла даражасида ишлайдиган тизим яратилди. Жорий йилда ҳам маҳаллаларда инфратузилма ва аҳоли турмушини яхшилашга 56 триллион сўм ажратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шунча имконият бўла туриб, аҳоли кўтараётган масалаларга ҳамма жойда ҳам ўз вақтида ечим топиб берилмаётганини кўрсатиб ўтди.

— Бундан тўққиз йил олдин Халқ қабулхоналари ташкил қилинганда битта мақсад қўйилган эди: давлат идораларини халққа яқинлаштириш. Тўғри, Халқ қабулхоналари ўз вақтида самарали ишлади. Лекин бу идорани ҳам одамларнинг бугунги талабига мос ҳолда ўзгартирадиган вақт келди, — деди Президентимиз.

Йиғилишда бундан буён “Ҳар бир инсон ва хонадон муаммосини билиб, вақтида кўмак беришим керак” деган шиор барча даражалардаги раҳбарлар фаолиятида бош қоида бўлиши шартлиги қайд этилди.

Президентимиз аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг жорий ҳолатини таҳлил қилди.

Мамлакатимизда ҳар ўн минг кишига ўртача 319 та ариза ва шикоят тўғри келмоқда. Бироқ бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 535 та, Навоий вилоятида 462 та, Сирдарё ва Сурхондарёда 452 тадан, Жиззахда 430 та, Қашқадарёда 368 та, Тошкент вилоятида 350 тани ташкил қилмоқда.

Деҳқонобод, Миробод туманлари, Навоий, Оҳангарон ва Янгиер шаҳарларида ҳар ўн минг аҳолига тўғри келадиган аризалар сони бошқа ҳудудларга нисбатан икки баробар юқори экани кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, республика бўйича мурожаатлар сони 16 фоизга камайган бўлсада, Қоровулбозор, Нурота, Конимех, Тупроққалъа туманлари ва Наманган шаҳрида мазкур кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 50 фоизгача ошгани кўрсатиб ўтилди. Қатор туман ва шаҳарларда ҳокимлар ва идоралар мутасаддиларида сайёр ва шахсий қабуллар ўтказишга юзаки қараш сақланиб қолаётгани қайд этилиб, бундай ёндашув қатъий танқид остига олинди.

Ўтган йили Халқ қабулхоналарига ҳокимларнинг ўзи раҳбарлик қилиши белгиланган эди. Қорақалпоғистон, Андижон, Қашқадарё, Хоразм ва Сирдарёда раҳбарларнинг шахсан шуғуллангани натижасида мурожаатлар 25 — 30 фоизга камайгани, аҳоли кўтарган масалаларнинг 60 — 70 фоизи ижобий ҳал бўлаётгани таъкидланди.

Лекин бошқа ҳудудларда бу борада кескин ўзгариш қилинмагани кўрсатиб ўтилди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 170 минг ва Тошкент вилоятидаги 110 минг мурожаатнинг ярмидан кўпи ечимини топмаган. Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида такрорий мурожаатлар кўпайган.

Шу маънода, Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида ҳал этилмасдан, ижтимоий тармоқларда резонанс келтириб чиқарганидан кейингина чора кўрилиши аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди.

Йиғилишда аҳолидан энг кўп мурожаатлар юборилаётган соҳалар ва уларга масъул идоралар фаолияти, шу жумладан, ички ишлар, мажбурий ижро, соғлиқни сақлаш, бандлик, ижтимоий ҳимоя, энергетика, инфратузилма ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Масалан, ўтган йили алимент билан боғлиқ 70 мингта мурожаат келиб тушган. Мажбурий ижро бюроси ариза тушганда ундириш чорасини кўраётган бўлса-да, алимент тўловчининг расмий даромади бўлмагани учун мурожаатларнинг 30 фоизи ҳал бўлмай қолмоқда.

Бу борада алимент тўловчиларнинг қанчаси касбга эга бўла туриб ишсиз юргани, қанчасини ўқитиш кераклигини таҳлил қилишмаётгани, шу асосда бандлик бўлимлари ва “маҳалла еттилиги” билан яқин ҳамкорликда иш ташкил қилиш муҳим экани қайд этилди.

Ташкилий миграция асосида одамларни ўқитиб, хориждаги юқори даромадли иш ўринларига юбориш тизими яратилган, лекин алимент мажбурияти бор фуқаролар бу имкониятдан фойдалана олмайди. Алимент тўловчиларга ҳам хорижда ишлаб даромад топиши учун шароит яратиш мақсадида айни пайтда алимент олувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли таъминлаган ҳолда ҳар икки томон учун манфаатли бўладиган адолатли механизм бўйича таклиф киритиш топширилди.

Ички ишлар ваколатидаги масалалар, айниқса, ходимларнинг қўпол муомаласи ва терговсифати бўйича эътирозли мурожаатлар келиб тушаётгани қайд этилди. Тизим масъуллари бу ҳақда энг кўп мурожаат келиб тушаётган ҳудудларда профилактика инспекторлари ва терговчиларнинг касбий савияси ҳамда муомала маданиятини ошириш билан тизимли шуғулланиши, ички ишлар идораларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Энергетика, йўл ва сув инфратузилмаси бўйича 2025 йилда юборилган мурожаатлар 109 мингдан ошгани айтилди. Айниқса, Асака, Шаҳрихон, Избоскан, Пастдарғом, Шўрчи, Денов, Ғузор, Қамаши, Деҳқонобод, Шароф Рашидов туманлари, Самарқанд, Наманган, Термиз, Қарши ва Андижон шаҳарларида инфратузилма бўйича мурожаатлар кўпайган.

Жорий йилда бу масалаларни ҳал қилиш учун 20 триллион сўм ажратилгани, ҳокимлар ушбу маблағни, аввало, энг кўп шикоят тушаётган маҳаллаларга йўналтирса, аҳоли розилиги ортиб, мурожаатлар сони камайиши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Мулоҳаза

## БОШ МАҚСАД – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ

*Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қулай инвестиция муҳитини яратиш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида эришилган иқтисодий кўрсаткичлар барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминламоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг дунё бозоридаги ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат.*

Агар бу борадаги рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2025 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 7,7 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми 147 млрд. доллардан ошгани ва ЯИМнинг ўсиш суръати 107,7 фоизни ташкил қилгани эътиборга молик.

Шу билан бирга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳам юқори ўсиш суръатларига эга. Жумладан, 2024 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 41306,7 минг сўмни ёки олдинги йилдагига нисбатан ўсиш 4,5 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2025 йилда 48816,4 минг сўм ёки 2024 йилдагига нисбатан 5,7 фоиз ўсиш қайд этилди.

Яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 2025 йилда 3,8 минг долларга етди ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган дастлабки кўрсаткичларга эришиш деярли таъминланди. Бундай ўзгаришлар иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини ифода этиб, иқтисодий фаолиятнинг тезлашишида хизматлар, саноат ва қурилиш тармоқлари асосий драйвер йўналишлар бўлганини кўрсатди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 13 февраль куни юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича 2026 йилдаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда эришилган натижалар таҳлил қилиниб, олдимизда турган асосий йўналишлар белгилаб берилди.

➔ 2

Сенат қўмитасида

## Тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилувчи нормалар

*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси йиғилишида “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши, шунингдек, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ва валютани тартибга солиш либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.*

Таъкидланганидек, тегишли қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларининг айни бир ҳуқуқбузарлик учун бир неча маротаба жавобгарликка тортилишининг олдини олиш, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш долзарб аҳамият касб этади.

Сенаторлар ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилиниши талабларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида ҳам фикр билдирди.

Мазкур ҳужжат билан “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунга ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг қонунда белгиланган муддатларда репатриация қилинишини таъминламаганлик учун жавобгарлик чораларини либераллаштириш, шунингдек, активларни репатриация этиш бўйича талабларни соддалаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, Солиқ ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар шахснинг айни бир ҳуқуқбузарлик учун бир маротаба жавобгарликка тортилишини таъминлашни ҳамда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Қўмита аъзолари қонун ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қулайликлар яратишига ва активларнинг қонунда белгиланган муддатларда репатриация қилинишини таъминлашга ҳамда тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини амалга ошириши учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга йўл очишини таъкидлади.

Муҳокама якунлари бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан Транспорт вазирлигининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахбороти эшитилди.*

Таъкидланганидек, мазкур қонун ижроси юзасидан 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Шунингдек, темир йўл инфратузилмасини модернизациялаш ва ҳаракат таркибини янгилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда юк ва йўловчи ташиш ҳажмларида ҳам барқарор ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, 2025 йил якунларига кўра, темир йўл орқали 105,8 млн. тонна юк ва 10,5 млн. нафар йўловчи ташилган. Хизматлар ҳажми 14,8 трлн. сўмга етгани ҳам соҳада иқтисодий фаоллик ортганини кўрсатади.

Вазирлик ахборотига кўра, Президентимизнинг 2026 йил 16 февралдаги тегишли фармонига мувофиқ, темир йўл инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Хусусан, шаҳарларни замонавий тезюрар поездлар билан боғлаш мақсадида 500 километр янги темир йўл қурилишини бошлаш, транспорт тармоғини янада кенгайтиришга хизмат қиладиган янги темир йўл йўналишларини барпо этиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Темир йўл вокзалларида 55 та инфокиоск ўрнатилиб, электрон чипта сотиш тизими кенгайтирилгани натижасида электрон чипталар орқали сотувлар улуши 86 фоизга етган.

— Эшитув олдидан қонун талаблари амалда қай даражада бажарилаётганини ўрганиш мақсадида темир йўл тизимидаги қатор корхоналар фаолияти билан жойларда танишган эдик, — дейди қўмита аъзоси Гўзал Самиева. — Хусусан, “Темирйўлкарго” ва “Ўзтемирйўлконтейнер” акциядорлик жамиятларида юк ташиш ҳамда логистика хизматларини ташкил этиш жараёнлари, “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖнинг “Йўловчи вагонларини техник ва технологик тайёрлаш, таъмирлаш” филиалида поездларни рейсга тайёрлаш ҳамда вагонларни техник кўрикдан ўтказиш ишлари кўздан кечирилган эди. Йиғилишда мазкур ўрганиш якунлари кўриб чиқилиб, аниқланган айрим масалалар юзасидан вазирлик масъулларига қатор таклифлар бердик.

➔ 2

Ишчи гуруҳ йиғилиши

## ПОЙТАХТНИНГ МАҚОМИ ҚОНУН БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш, шаҳар муҳитини яхшилаш ва муносиб яшаш шароитларини яратиш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда “Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг мақоми тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш вақти келгани таъкидланган эди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам Олий Мажлис палаталари олдига ушбу вазифа қўйилган.

Шу мақсадда тузилган Ишчи гуруҳ томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга ошириляпти.

Қайд этилганидек, ушбу лойиҳани ишлаб чиқишда миллий амалиёт ва илғор хорижий давлатларнинг пойтахт мақомини белгилашга қаратилган тажрибаси ўрганилди. Жумладан, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатлардаги мавжуд замонавий ёндашувлар таҳлил қилинди ҳамда бир қатор нормаларни ишлаб чиқишда инобатга олинмоқда.

➔ 2

Халқаро анжуман

## ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК

*8 — 12 март кунлари АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида БМТ Аёллар мақоми бўйича комиссиянинг 70-юбилей сессияси бўлиб ўтаётгани ва унда Ўзбекистон делегацияси иштирок этаётгани ҳақида хабар берган эдик.*

Анжуман доирасида делегация аъзолари қатор юқори даражадаги халқаро тадбирларда қатнашди.

Жумладан, вазирлар даражасидаги “Барча аёллар ва қизлар учун одил судловдан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш ва мустаҳкамлаш” мавзуидаги давра суҳбати ҳамда “Тизимдаги бўшлиқларни бартараф этиш: барча аёллар ва қизлар учун одил судловни таъминлаш” интерфаол мулоқот давомида делегация аъзолари Ўзбекистонда хотин-қизларнинг одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш ва суд тизимида гендер тенгликни таъминлашга қаратилган кўламли ислоҳотларнинг натижалари билан ўртоқлашди.

Шунингдек, сессия доирасида ўтказилган ялпи мажлислар, тематик муҳокамалар ва турли халқаро учрашувларда тадбир иштирокчиларига Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида кенг маълумотлар берилди.

➔ 2

# ЮРТ ОБОДЛИГИ, АВВАЛО, МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ



*Халқимизнинг байрамларни, муҳим саналарни уйи, ҳовлижойи, маҳалласини тоза-ораста қилиб, ҳамжиҳатликда кутиб олиши азалий қадрият. Зеро, шодиёналар обод юртга ярашади.*

*Шу боис мамлакатимизда яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ҳайити ва Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига кўра, 13-14 март кунлари “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилмоқда.*



«Ҳашар — 2026»

Ҳашарни юқори савияда ўтказиш учун Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси марказий аппарати ходимлари 14 та ҳудудга масъул қилиниб, ҳудудларда ишлар ташкил этилаётир. 8 992 та маҳаллада “еттилик” аъзолари, мактаб ва боғча мудирлари, Оилавий шифокор пунктлари ва Оилавий поликлиникалар бош шифокори, уй боши ва кўчабошилар, бошқарув сервис компаниялари, маҳаллада обрў-эътиборга эга вакиллардан иборат ишчи гуруҳлари тузилди.

Ҳашар тадбирлари давомида кўча ва хиёбонлар, майдонлар, зиёратгоҳ ҳамда муқаддас қадамжолар, қабристонларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг уй-жойлари таъмирланиб, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатиш режалаштирилган.

Фармойишда кўзда тутилганидек, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бу йилги юбилейи муносабати билан Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Буюк Амир Темур ҳайкаллари ўрнатилган хиёбонлар атрофида, шунингдек, улуғ аждодимиз номи берилган 33 та маҳалла ҳамда 816 та кўчада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг манзилли режалари шакллантирилди, бу ерларда ҳам тизимли ишлар ташкил этиляпти.

➔ 3

# АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Ташаббусли бюджет" дастури маҳалла аҳолисининг оғирини енгил қилишда катта самара бераётгани эътироф этилди. Бироқ инфратузилма юзасидан 25 мингта ариза келиб тушган 2 мингта маҳалла бирор марта ҳам ушбу дастурда лойиҳа жойлаштирмагани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга Халқ қабулхоналарига келган мурожаатларни таҳлил қилиб, бундай маҳаллаларга лойиҳа тайёрлашда кўмаклашиш топширилди.

Шу билан бирга, айрим вазирлик ва идоралар мурожаатларга ечим бериш ўрнига юзаки жавоб билан чекланаётгани танқид қилинди. Хусусан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мурожаатларнинг 64 фоизига, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси 61 фоизига, Транспорт вазирлиги 58 фоизига амалий ечим бермаган.

Умуман, қайд этилган камчиликлар бошқа вазирлик ва идоралар, ҳокимликларга ҳам тегишли экани, улар мурожаатлар билан ишлашни чуқур таҳлил ва масъулият асосида ташкил этиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз мурожаатлар билан ишлаш тизимини ўзгартириш вақти келганини таъкидлаб, ҳокимликлар, вазирлик ва идораларга фақат кўтарилган масалани ҳал қилиш билан чекланиб қолмасдан, муаммонинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш, мурожаатларга олиб келаётган омилларни аниқлаб, уларни камайтириш билан тизимли равишда шуғулланишга топшириқ берди.

Шу боис Халқ қабулхоналари фақат ариза қабул қилувчи идора эмас, балки соҳа ва жойлардаги муаммоларга уларга тегишли масъул идораларнинг эътиборини тортадиган, улар билан биргаликда таҳлил ва ечим таклиф қиладиган марказга айлантирилиши белгиланди.

Президентимиз янги тизим қандай ишлашини Қарши шаҳри мисолида тушунтириб берди. Алимент тўловчиларнинг бандлигини таъминлаш, ойликлар кечиктириб тўланишининг олдини олиш, бошқарув сервис компаниялари фаолияти, давлат идоралари ходимлари устидан шикоятлар, уй-жой билан таъминлаш, нафақа тайинлаш каби масалаларда манзилли ишлаш йўллари ва бунинг учун масъуллар белгилаб берилди.

Ҳар бир ариза ва шикоятни чуқур таҳлил қилиб, масъуллар кесимида тақсимлаб, биринчи ярим йилликда Қарши шаҳрини мурожаатлар билан ишлаш бўйича намунавий ҳудудга айлантириш топширилди. Бу жараёнда вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари яқиндан кўмаклашиши белгиланди.

Умуман, барча ҳудудлар ва 208 та туман-шаҳар ҳокимларига Қарши шаҳри мисолида кўрсатилган тизимни самарали йўлга қўйиб, одамларнинг оғирини енгил қилиш вазифаси қўйилди. Бу борадаги иш режалари ҳар ой маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларида тасдиқланиб, аҳолига етказиб борилади.

Йиғилишда Халқ қабулхоналари фаолиятини янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Президент Администрациясига ҳокимлар билан биргаликда Халқ қабулхоналарига муаммоларнинг моҳиятини тушунадиган замонавий кадрларни жалб қилиш, мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш бўйича алоҳида назорат гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш топширилди.

Президент Администрацияси Коммуникациялар департаменти ҳар ой Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиб, умумлаштиради, вазирлар ва ҳокимларга етказади, ижросини назорат қилади. Одамларнинг кайфиятига таъсир қилаётган масалалар бўйича раҳбарлар ҳисоботини эшитиб боради, энг муаммоли йўналишлар бўйича таклифларни Ҳукуматга киритади.

Ҳукуматда вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимларидан иборат Тезкор штаб тузилади. Кўтарилган масалалар ҳудуд ва тармоқлар кесимида жойига чиққан ҳолда ҳал қилинади.

Халқ қабулхоналарига мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини бузган идораларга мажбурий кўрсатмалар киритиш ваколати берилиши, мурожаатлар билан ишлаш бўйича давлат идоралари рейтинги йўлга қўйилиб, ҳар олти ойда эълон қилиб борилиши белгиланди.

Мурожаатлар билан ишлашда "маҳалла еттилиги"нинг масъулияти ҳам кескин оширилади. Президент виртуал қабулхонасида ҳар бир маҳалла учун алоҳида кабинет очилади, у ёшлар етакчиси ва маҳалла раиси томонидан юритилади. Улар келаётган мурожаатларнинг сабабларини ўрганиб, кунлик маълумотларни ҳокимларга тақдим этиб боради.

Шунингдек, мурожаатларни асоссиз равишда қуйи тизимларга юборган ташкилот раҳбарларига кескин чора кўрилади, мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жазо кучайтирилади.

Президентимиз яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтди. Давлат сиёсати ва ислоҳотларнинг асосий йўналишларини белгилаш, вазирлик ва идораларда тўғри қарорлар қабул қилинишида, умуман, аҳоли кайфияти ва уни ўйлантираётган масалаларни билишда мурожаатлар билан бир қаторда социологик тадқиқотлар натижалари ҳам муҳим манба экани таъкидланди.

Шу боис бундай тадқиқотларнинг кўлами ва сифатини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Эндиликда бир марталик ижтимоий сўровлар билан чекланилмай, қаерда ишонч ортаётгани, қаерда сусаяётгани, қайси қарорлар адолатли, қайсилари одамларга манфаат келтирмаётгани бўйича доимий мониторинг ва таҳлиллар ўтказилиши белгиланди.

Президент Администрацияси Коммуникациялар департаменти ҳамда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтига ҳудуд ва тармоқлар раҳбарлари рейтинги методологиясини ишлаб чиқиб, таҳлиллар асосида рейтингни шакллантириш ва мунтазам равишда Президентга киритиб бориш топширилди.

Ижро интизоми масалалари ҳам кўриб чиқилар экан, берилган ҳар бир топшириқнинг реал ижро ҳолати бўйича кундалик назорат ўрнатиш, масъулиятни ҳис қилмаган, сусткашликка йўл қўйган раҳбарлар ҳақида холис ахборот киритиб бориш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда ҳудудлар ва масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

**ЎзА.**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК

1

Ташриф доирасида икки томонлама қатор учрашувлар, жумладан, Қозоғистон Республикаси делегацияси билан мазмунли мулоқот бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига урғу берилди. Учрашув якунида келгусида ҳам алоқаларни янада ривожлантириш, тажриба алмашиш ҳамда қўшма тадбирлар уюштиришни давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

### Сенатор сўрови

## Қувватлаш станциялари фаолияти – парламент назоратида

*Мамлакатимизда электромобиллардан кенг фойдаланиш, уларни қувватлаш станциялари инфратузилмасини кенгайтириш ва экологик тоза транспорт турларини ишлатилишни рағбатлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.*

Фуқаролик жамияти, тадбиркорлар ва мутасаддилар томонидан электромобилларни қувватлаш станцияларини ташкил қилиш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда ва бундай фаолият давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Электромобилларни қувватлаш станциялари фаолиятини ўрганиш мақсадида ўтказилган таҳлиллар ушбу йўналишда айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда.

Хусусан, сўнгги кунларда мазкур соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган электромобиллар, шунингдек, қувват олувчи гибрид транспорт воситалари учун мўлжалланган қувватлаш станцияларини электр тармоғидан вақтинча узиб қўйиш ва уларнинг фаолиятини чеклаш билан боғлиқ вазиятлар жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Бундай салбий ҳолатларни инобатга олиб, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Кобулжон Турсунов Ўзбекистон энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов номига сенатор сўрови юборди.

Сенатор электромобиллар ҳамда қувват олувчи гибрид транспорт воситалари учун қувватлаш станцияларини электр тармоғидан узиш ва уларнинг фаолиятини чеклаш сабаблари, мазкур станциялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, тегишли инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган келгусидаги режалар юзасидан асослантирилган маълумот тақдим этишни сўраган.

**«Халқ сўзи».**

## БОШ МАҚСАД – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ

1

Мажлисда давлатимиз раҳбари "Буларнинг барчаси иқтисодиётимиз янги сифат босқичига ўтаётганидан далолат. Биз 2026 йилда 6,6 фоизли иқтисодий ўсиш қилиб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 167 млрд. долларга етказишни прогноз қилган эдик. Бу геосиёсий вазият ва иқтисодий тебранишлар ҳисобга олиб қилинган эҳтиёткор прогноз", деб таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш борасидаги йўналишлар ва вазифалар айни мазмундаги бир қанча фармонларда ҳам акс этган. Уларда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ЯИМ ҳажмини 2030 йилгача 240 млрд. долларга етказиш белгиланди. Шунга мувофиқ аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ даражасини 2026 йилдаги 4,3 минг доллардан 2030 йилгача 5,8 минг долларга етказиш марраси ҳам қўйилган.

Бундан ташқари, истиқболдаги режаларда солиқ ставкаларини ўзгаришсиз сақлаб, солиқ юкини камайтирмаган ҳолда ялпи ички маҳсулотдаги солиқлар улушини 2025 йилдаги 16,4 фоиздан 2030 йилгача 17,3 фоизга етказиш ҳам кўзда тутилган. Бунда солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва "яширин иқтисодиёт" улушини қисқартириш муҳим йўналиш ҳисобланади.



Ушбу кўрсаткичларнинг бажарилиши консолидациялашган бюджет тақчиллигининг 2026 йилдан бошлаб ЯИМга нисбатан 3 фоиздан ошмаслигига эришилади. Пировардида 2030 йилгача камбағаллик тўлиқ тугатилиб, ишсизлик даражаси 4 фоизгача тушиши таъминланади.

Истиқболдаги режаларда ресурс тежовчи янги технологияларни жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини туширмаган ҳолда унинг таннархини пасайтириш, экспорт салоҳияти ўсишини таъминлаш масалалари алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, биргина автомобиль саноати соҳасида маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш эвазига маҳсулот ҳажмини 2026 йилда 510 минг донага етказиш мақсади қўйилган.

Президентимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, иқтисод қилиш режаси ишлаб чиқаришни камайтириш ёки қайсидир харажатни кейинроққа суриш ҳисобидан эмас, балки маҳсулот таннархини қисқартириш орқали таъминланиши шартлигини таъкидлади.

Олдинга қўйилган вазифалар ижроси жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, халқимизнинг сифатли, арзон товарлардан баҳраманд бўлиши ва мамлакатимиз экспорт салоҳияти ошиб, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланилишига хизмат қилади.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.**

## ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

1

Муҳокама давомида соҳада ечимини кутаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, айрим темир йўл вокзаллари ва поездларда сервис хизматлари даражаси, ахборот тақдим қилиш тизими ҳамда рақамли хизматлар қамрови ҳали ҳам талаб даражасига тўлиқ жавоб бермаётгани депутатлар томонидан қайд этилди.

Шунингдек, темир йўл инфратузилмасини янада модернизация қилиш, хизматлар бозорида рақобат муҳитини кучайтириш, хусусий сектор ва



инвестицияларни кенг жалб этиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва қулайликларни ошириш юзасидан масалалар кўтарилди.

Депутатлар томонидан темир йўл транспорти соҳасида қонун ижросини таъминлаш, хизматлар бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш юзасидан қатор таклиф ҳамда тавсиялар берилди.

Йиғилиш якунида ушбу масала бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## ХАВФСИЗ МУҲИТ — МАМЛАКАТ ТИНЧЛИГИ ГАРОВИ

*Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ 2025 йил 20 май куни мазкур туманда ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини ўрганди.*

### Сенаторлар — ҳудудларда

Унинг доирасида туман маҳаллаларида хавфсиз муҳитни шакллантириш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, ижтимоий профилактика тизимини кучайтириш ҳамда коррупцияга, жумладан, маиший коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати таҳлил қилинди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, мутасадди ташкилотлар, "маҳалла еттилиги" вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда жамоатчилик иштирокида жойларда эришилган натижалар ва мавжуд камчиликлар муҳокама қилинди.

Ишчи гуруҳ аъзолари тумандаги Тоқчилик маҳалласида бўлиб, профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, аҳоли билан яқин мулоқотни кучайтириш, жиноятчиликка сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш, давлат хизматларини кўрсатишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратди.

Ўрганишлар якунида маҳаллаларда жиноятчиликнинг ҳамда маиший коррупция ҳолатларининг олдини олиш, уни келтириб чиқараётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

### Муҳокама

## САЙЁР МАЖЛИС ҚАРОРИ ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

*Ҳазорасп туманида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2026 йил 28 январь куни ўтказилган сайёр мажлисида қабул қилинган қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.*

Йиғилишда соғлиқни сақлаш, қурилиш, бандлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, энергетика ҳамда таълим соҳаларида коррупция хавфини камайтиришга қаратилган вазифалар ижроси юзасидан масъул идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Ҳазорасп тумани ҳокими коррупцияга қарши курашиш, давлат хизматларини шаффоф ташкил этиш ва туманни коррупциядан холи ҳудудга айлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Муҳокама давомида Миллий кенгаш сайёр мажлисида қабул қилинган қарор ҳамда чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Хизматлар кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, инсон омилини қисқартириш, шаффоф механизмларни қўллаш орқали коррупция омилларини бартараф қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, вазифаларни амалга ошириш жараёнида юзага келаётган айрим муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунида Миллий кенгаш қарори ҳамда чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан масъул идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

**«Халқ сўзи».**

## ПОЙТАХТНИНГ МАҚОМИ ҚОНУН БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

1

Шунингдек, лойиҳани такомиллаштириш жараёнида пойтахт ҳокимлигининг вакиллари, экспертлар ва олимлар билан бевосита ҳамкорликда иш олиб борилди ва улар томонидан билдирилган таклифлар лойиҳада ўз аксини топмоқда.

Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг ҳуқуқий мақомини белгилаш билан боғлиқ қатор долзарб масалалар кўзда тутилмоқда. Аввало, пойтахтнинг алоҳида аҳамиятга эга маъмурий-ҳудудий бирлик сифатидаги мақоми қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, пойтахт билан туташ ҳудудни ташкил этувчи пойтахт чегарасидан ташқаридаги ерлар билан боғлиқ масалаларнинг ҳам ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда. Пойтахт ўзининг ҳудудий рамзий белгиларига эга бўлиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, пойтахтнинг вазифалари, уларни амалга оширишнинг кафолатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Тошкент шаҳар ҳокимининг пойтахтнинг вазифаларини амалга оширишдаги ваколатлари қонун лойиҳасида назарда тутилмоқда.

**Дилдора КАМОЛОВА,**
**Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**



*— Лойиҳада пойтахтнинг ягона меъморий кўринишини шакллантириш мақсадида пойтахт ҳудудидаги қурилиш ишлари пойтахтнинг ягона меъморий кўриниши ва дизайн-кодига қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги белгиланмоқда. Шу билан бир қаторда, ҳар бир жараёнда жамоатчилик иштирокини ошириш ҳамда муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилишда жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши кераклиги мустаҳкамланмоқда. Бундан ташқари, пойтахтда транспорт тизимини самарали бошқаришни амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш марказини очиш ва унинг вазифаларини қонун даражасида белгилаш таклиф қилинмоқда.*

Ишчи гуруҳнинг муҳокамалари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

## КАФОЛАТЛАНГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДАМИ?

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида Навоий вилоятида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги тизими, яъни тиббиёт муассасаларини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштириш тартибини жорий этиш ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама марказида бўлди.*

### Таҳлил

Таъкидланганидек, вилоятда 2025 йил 1 июлдан бошлаб давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бошланган. Маълумотларга кўра, 2025 йилда 61 та давлат тиббиёт муассасаси билан 1,4 трлн. сўм қийматидаги тиббий хизматлар хариди бўйича шартномалар тузилган. Мазкур шартномаларга асосан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари бириктирилган аҳоли сони ва таркибига кўра "аҳоли жон бошига", шифохоналар эса бажарилган иш ҳажмига асосан "ҳар бир даволанган ҳолат" тўлов усуллари бўйича молиялаштирилган.

Реимбурсация дастури асосида ҳисобот даврида 142 минг беморга дорихоналардан бепул берилган 28 турдаги дори воситаларининг қийматини қоплаш учун 4,2 млрд. сўм дорихоналарга тўлаб берилган.

Аҳолининг 95,0 фоизи оилавий поликлиникалар кесимида "DMED" ахборот тизими орқали қамраб олиниб, Оилавий поликлиника ва фуқаро ўртасида шартномавий муносабатлар йўлга қўйила бошланган. Даволаш ва ташхислаш стандартларига мувофиқ тор соҳа шифокорларига ҳамда зарур ҳолларда шифохоналарга йўлланмалар бериш тизимига амал қилинмоқда. Кундузги шифохоналардаги ўринлар сони 14 фоиз оширилиб, ушбу ўринларда даволанган беморлар сони 30 фоизга кўпайган.

Амалдаги тартиб бўйича кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш учун аҳоли оилавий шифокорга мурожаат қилиши лозим. Қўмита мажлисида Навоий вилоятида аҳолининг кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматлардан бепул фойдаланиши, тиббий кўриклардан ўтказилиши, зарур ҳолларда шифохоналарга электрон йўлланма олиши ва у асосида тор соҳа шифокори томонидан кўрикдан ўтказилиши йўлга қўйилганлиги сенаторлар томонидан эътироф этилди.

Шу билан бирга, аҳоли дори воситалари электрон рецепт асосида кафолатланган пакет доирасида беморларга дорихоналар томонидан бепул берилишидан, кафолатланган тиббий хизмат пакетидан фойдаланиш тартибидан етарли даражада хабардор эмаслиги, натижада беморлар стационар муассасаларга тегишли йўлланмасиз мурожаат қилишда давом этаётгани каби айрим камчиликлар ҳам тилга олинди.

Ёки бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий бригада аъзоларининг тушунтириш-тарғибот ишлари етарли бўлмаганлиги натижасида онкогематологик касалликлар, кўкрак бези ҳамда бачадон бўйни саратонини эрта аниқлашга қаратилган текширувлар белгиланган муддатларда ўтказилмаяпти.

Мажлисда шифокорларнинг электрон ахборот тизими билан ишлаш бўйича малака ва амалий кўникмаларини ошириш, бирламчи тиббиёт муассасалари ходимлари ҳамда патронаж ҳамширалар томонидан аҳолига тиббий суғурта тизимининг афзалликлари ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш зарурлиги бўйича тавсиялар берилди.

Йиғилиш якунида тиббий суғурта тизимини жорий этишни такомиллаштиришга қаратилган қўмита қарори қабул қилинди.

**Ҳамроқул ҚАРШИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Ўзбекистон билан Туркия ҳукуматлари ўртасида минтақавий ривожланиш йўналишида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида Битим тасдиқланди.**

Анъана

# СЕНАТОРЛАР ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ

*Юртимизда ҳар йили меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи Наврўз умумхалқ байрами арафасида ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилади.*



Ана шу эзгу анъаналар доирасида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент шаҳар партия ташкилоти Кенгаши ижроия қўмитаси ходимлари ҳамда Экоҳаракат фаоллари иштирокида "Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!" шиори остида пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 26-умумтаълим мактаби ҳудудида умумхалқ ҳашари ташкил этилди.

Ҳашар давомида мактаб ҳудуди тозаланиб, тартибга келтирилди, санитария ҳолати яхшиланди. Шунингдек, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Шу билан бирга, ўқувчиларни табиат, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асрашга ундовчи, уларга муносабати ҳамда меҳрини оширувчи, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантирувчи лойиҳа билан танишилди.

Иштирокчилар мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини алоҳида таъкидлашди.

**«Халқ сўзи».**

Ўрганиш

# АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ – ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

*Давлатимиз раҳбари яқинда Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш, муаммоларига ечим топиш бўйича мутлақо янги тизим яратилганини, барча қонун, фармон ва қарорларни қабул қилишда гендер масаласи бўйича ҳуқуқий механизмлар жорий этилганини, эндиликда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсири баҳоланмай туриб бирорта қонун қабул қилинмаслигини алоҳида таъкидлаган эди.*

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг оилада, жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга доимий эътибор қаратиляпти.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Тошкент шаҳрининг Миробод туманида бўлиб, хотин-қизлар ва ижтимоий муҳит масалалари бўйича ўрганишлар олиб борди.

Халқ вакиллари дастлаб "Баратхўжа" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари, хотин-қизлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Унда маҳаллаларда ижтимоий муҳит, тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳимоя ордерларини бериш тартиби ҳам кўриб чиқилди.

Президентимизнинг "Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Ёшлар дафтари" жамғармалари орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар депутатларнинг диққат марказида бўлди.

Депутатлар, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларининг тегишли вазифаси доирасида хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари, жумладан, одам савдоси ва жинсий эксплуатациянинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди. Ижобий натижалар билан бирга, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан қизғин фикр алмашилди.



**Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА, Қонунчилик палатаси депутати:**

*— Учрашувларда Президентимизнинг шу йил 3 мартдаги фармонининг аҳамиятини аҳолига кенг тушунтирдик. Шунингдек, зўравонлик ҳолатларига дуч келганда мурожаат қилиш мумкин бўлган масъул ташкилотлар, ҳуқуқий ёрдам имкониятлари ҳақида ҳам маълумотлар тақдим этдик. Ҳимоя ордерини олган аёллар билан ҳам учрашиб, ушбу ҳимоя ордерлари амалиётда қандай ишлаётганини таҳлил қилдик. "Маҳалла еттилиги" билан суҳбатлашиб, фармон ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Ўрганиш натижалари соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.*



**Екатерина СМЕСОВА, Қонунчилик палатаси депутати:**

*— Ўрганишлар давомида туман ҳокимлиги вакиллари, Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди судьялари, медиация комиссияси аъзолари билан биргаликда ажрим ёқасидаги оилалар билан мулоқот олиб бордик. Уларнинг ижтимоий ҳолатини таҳлил қилдик ва оилавий масалаларни ҳал этиш юзасидан ўз тавсияларимизни бердик.*

Депутатларнинг бу борадаги ўрганишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

*Давлатимиз раҳбари ёшлар билан очиқ мулоқотда мамлакатимиз йигит-қизлари нафақат катта демографик қатлам, балки иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётнинг ҳал қилувчи кучига айланганини алоҳида таъкидлаб, барча даражадаги раҳбарлар олдига уларни тил ва касб-ҳунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, ғоялари, лойиҳалари ҳамда стартапларини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.*

## Муносабат

Бу йўналишда, Тошкент давлат техника университетида ҳам тизимли ишлар амалга оширилаётир. Ўтган йили университетнинг илмий салоҳияти 55,3 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 60,2 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу ўсиш профессор-ўқитувчиларнинг илмий даражали улушини янада оширади.

Сир эмас, олий таълим даргоҳининг илмий салоҳиятини кўрсатувчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири, бу — истиқболли лойиҳалар. Айни пайтда университетда умумий қиймати 80,4 млрд. сўмни ташкил этувчи 37 та илмий лойиҳа бажарилмоқда. Уларда юзлаб профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар қатнашаётир. Қувонарлиси, уларнинг 24 нафари талаба қизлардир. Бу эса техника соҳасида аёлларнинг иштироки ҳам босқичма-босқич ортиб бораётганидан далолат.



### Ғоя лойиҳага, лойиҳа амалий маҳсулот ва хизматга айланмоқда

Стартап экотизимини ривожлантириш йўналишида ҳам амалий қадамлар ташланган. Хусусан, ўтган йилда университетда 3 та стартап танлови ўтказилиб, уларда 100 дан ортиқ талабалар қатнашди. Якунда 17 нафар талаба ғолиб деб топилди ва уларнинг стартап лойиҳалари молиялаштирилди. Бу эса талаба-ёшларнинг ғоясини лойиҳага, лойиҳасини эса амалий маҳсулот ва хизматга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Асосийси, Президент ва ёшлар учрашувида белгилаб берилган инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш, йигит-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ва венчур молиялаштиришни кенгайтириш каби вазифалар билан мазкур йўналишлардаги ишларимиз мазмунан уйғунлашиб, янада ривожланиб боряпти.

Иқтидорли талабаларимиздан бири — Шавкат Худойбердиев Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан эълон қилинган "Бўлажак олим" танлови доирасида ўтказилган "Стартап" лойиҳалар танловида муваффақиятли иштирок этиб, инновацион стартап лойиҳасини ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилиш учун 915 млн. сўм миқдорида грант маблағига сазовор бўлди. Мазкур лойиҳа натижасида ҳозирги кунда салкам ўттиз нафар ёш доимий иш билан таъминланди.

Шунингдек, университет миқёсида инновацион фаолиятда фаол иштирок этиб келаётган таянч докторант Муқаддам Бекмуратова "Eco Expo Central Asia — 2025" халқаро танловида энг яхши стартап лойиҳалар йўналишида фахрли 2-ўринни қўлга киритди ва 300 млн. сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди.

Университетда иқтидорли ёшларни кашф этиш ва рағбатлантиришга қаратилган танлов ҳамда тадбирлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Мисол учун, "Келажак муҳандислари" халқаро фестивали доирасида уюштирилган "Олийгоҳ кубоги" технологик танлови айни шу мақсадга хизмат қилувчи муҳим майдонга айланди.



Дрон рейсинг, дрон футбол, дрон лойиҳалаш, топшириқ бажарувчи робот, сув роботи, "3D" моделлаштириш, киберхавфсизлик ҳамда сунъий интеллект каби устувор технологик йўналишларда беллашувлар ташкил этилди. Танлов учун 100 миллион сўмлик мукофот жамғармаси ажратилди. Унда элликдан ортиқ жамоалар, яъни минг нафарга яқин талабалар қатнашиб, 27 нафари саралаб олинди.

### Инновация ва илмий мулоқотга чорлаётган тадбирлар

Инновацион кўргазма ва форумлардаги иштирок ҳам университетимиз ёшларининг салоҳиятини яққол намоён этаётир. "E-TechExpo — 2025" халқаро кўргазмаси, "InnoWeek 2025 — Чегарасиз ғоялар" халқаро инновациялар ҳафталигида талабаларимизнинг фаол қатнашиши уларнинг инновацияга фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий масъулият нуқтаи назаридан ҳам ёндашаётганини кўрсатади. Тошкент шаҳридаги 14 та олий таълим муассасаси вакиллари иштирок этган "Менинг юртим — менинг харитам" шиори остидаги илмий-амалий марафонда университетимизнинг "Геодезия" жамоаси 2-ўринни эгаллади.

Иқтидорли талабаларни республика миқёсида қўллаб-қувватлаш тизимида ҳам университет талабаларининг улуши юқори. "Мирзо Улуғбек ворислари" республика танловида ўттиз нафар иқтидорли талабамиз иштирок этди ва якунда икки нафари ғолиблар сафидан жой олди. Шунингдек, мазкур лойиҳанинг "Data Science" курси танлови натижаларига кўра, университетнинг 7 нафар талабаси 2025/2026 ўқув йили учун ушбу дастурда таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу ҳолат рақамли иқтисодиёт, маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллект соҳаларига қизиқиш кучайиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, халқаро тажрибани ўрганиш ва илғор ютуқларни қўллаш ҳам олий ўқув юртининг юқори ўсиш суръатини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири. Айнан шу мақсадда, ўтган давр мобайнида университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг қатор хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларига ташрифлари амалга оширилди. Булар қаторига Малайзия технология университети, Истанбул техника университети, Гамбург техника университети, Йилдиз техника университети, Сиан транспорт университети, Корея фан ва технологиялар университети, Портсмут университети, Сибир федерал университети, Беларусь миллий техника университети ва бошқа қатор нуфузли олийгоҳларни киритиш мумкин. Бу ташрифлар ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

### Эришилган натижалар муҳим. Бироқ...

Соҳада эришилган натижалар муҳим, албатта. Бироқ бугунги босқичда Президентимиз ёшлар билан мулоқот давомида белгилаб берган вазифалар ижросини янги сифат даражасига олиб чиқиш учун ўз олдимизга аниқ чора-тадбирларни белгилаб олганмиз. Жумладан, университетимизда олиб борилаётган илмий лойиҳаларда қатнашаётган талабалар сонини босқичма-босқич кўпайтирамиз, айниқса, истиқболли лойиҳаларда хотин-қизлар иштирокини янада кенгайтирамиз. Бунинг учун "талаба — илмий раҳбар — лаборатория — корхона" занжири асосида амалий механизмни кучайтириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, стартап ғояларини саралаш, бизнес-модель тузиш, патентлаш, бозорга чиқиш ҳамда инвестор жалб этишни қамраб оладиган доимий ишловчи — "Ёшлар бизнес инкубатори"ни ташкил қилиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари ташаббусига ҳамоҳанг бундай инкубаторларнинг йўлга қўйилиши энг яхши стартапларни молиялаштириш ва ёшларни тадбиркорликка ўқитиш бўйича самарали платформа вазифасини ўташи муқаррар.




Айни чоғда давлатимиз раҳбари томонидан волонтёрлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва ёшларни чет тилларига ўқитиш бўйича билдирилган ҳаётий ташаббуслар олий таълим муассасалари, жумладан, техника университетлари учун ҳам муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Бугунги глобал рақобат шароитида мамлакат тараққиёти, аввало, ёшлар салоҳиятини тўғри йўналтириш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва инновацияга жалб этиш билан чамбарчас боғлиқ. ТДТУда бу борада амалга оширилаётган ишлар ўзининг аниқ натижасини бера бошлади. Навбатдаги асосий вазифа — мавжуд ютуқларни тизимли равишда чуқурлаштириш, белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини университет тараққиётининг аниқ "ўсиш нуқталари"га айлантириб, ёшларни Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий бунёдкори сифатида камол топтиришдан иборатдир.

**Сардор ДОНАЕВ,**
**Тошкент давлат техника университетининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, физика-математика фанлари доктори, профессор.**

# ЮРТ ОБОДЛИГИ, АВВАЛО, МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

1

Рамазон ойи муносабати билан маҳаллаларда ижтимоий ҳимоя тизимини янада кучайтириш, беморлар, ногиронлиги бўлган, ёккаёлғиз, боқувчисини йўқотган 100 минг нафар оилани қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия ҳашарларидан тушган маблағлар ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиниб, эҳсон сифатида тарқатиш режалаштирилди.

Хайрия ҳашари давомида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳаллаларнинг ички кўчалари ва аҳоли томорқалари ҳамда қабристонлар атрофига 4,5 миллион тупдан зиёд мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини экиш кўзда тутилган.

Ободлик — аввало, кўнгилнинг ойинаси. Шу маънода, озодалик, поклик, саранжом ва саришталикка йўғрилган умумхалқ хайрия ҳашари одамларни янада жипслаштираётгани, уларда эзгу ишларга, савобли амалларга рағбат уйғотаётгани, яратиш ва яшнатишга интилишни кучайтираётгани билан аҳамиятлидир. Бу эса Ватан истиқболида энг муҳими.

**«Халқ сўзи».**

# ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАН «НАРГИЗ»



## Аччиқ, аммо очиқ гаплар

*Ўтган асрнинг 80-йилларида Қувасой шаҳри қир-адирларида, табиати гўзал ва иқлими мўътадил ҳудудда "Наргиз" оромгоҳи барпо этилган эди. Атрофи мевали боғлар билан ўралган ушбу гўша қисқа фурсатда Фарғона вилоятидаги гўзал дам олиш масканларидан бирига айланди. Унинг бунёд бўлишида ўша вақтда Қувасой шаҳрига раҳбарлик қилган Маматқул Раҳматовнинг хизмати катта бўлганини таъкидлаш жоиз.*

Грузиядаги машҳур дам олиш масканлари андозасида бунёд этилган ушбу оромгоҳда қишки боғ — цитрус мевалари экилган хиёбон, лимон боғи ҳамда иккита мусиқали фаввора бор эди. Ям-яшил ҳудуд бўйлаб кечаю кундуз муздек, тиниқ сув шаршарадек оқиб турар, ноёб манзарали дарахтлар, шарқона меъморчилик анъаналари асосида барпо қилинган ёзги айвонлар, бино-иншоотлар ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бир-бирига мутаносиб жойлаштирилиб, ҳар қандай меҳмонни бир зумда ўзига маҳлиё этарди.

Эртаклардаги мўъжизавий шаҳарча сингари Қувасой қирлари тепасида жойлашган ушбу оромгоҳнинг тунда ҳам чироқлари порлаб турадиган ёқимли манзараси қўшни Қува тумани, Фарғона шаҳридан ҳам кўриниб турган. Давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов оромгоҳ ҳудудига ўз қўллари билан дарахт эккан, Фарғонага келганида фурсат топиб ушбу оромгоҳда бир зум ҳордиқ чиқаришни канда қилмаган.

Бу каби ширин хотираларни эслайверсак, адоғи йўқ.

Афсуски, мустақилликнинг дастлабки йилларида машҳур оромгоҳ эътибордан четда қолиб, ташландиқ ва абгор ҳолатга тушди. Маскандаги жиҳозлар хомталаш қилинди, сувсизликдан дарахтлар қуриди. Бугун бу ердаги хунук манзарани кўрган одамнинг қўрқувдан юраги ваҳимага тушади. Деворлардаги ўргимчак уялари, эшик, деразасигача кўчириб кетилган биноларни макон тутган ёввойи ҳашаротлар, йўл-йўлакай оёғингизга илашадиган чақиртиканлар, қуриб-қақшаб ётган дарахтлар...

Гўёки атрофи симтўсиқ билан ўралган оромгоҳ манзараси жангда яраланган, унутиб қолдириб кетилган чалажон аскарни ёдга солади.

— Оромгоҳ ташкил этилишида бир неча бор ҳашарларда қатнашганмиз, — дейди "Арсиф" МФЙда истиқомат қилувчи 75 ёшли отахон, меҳнат фахрийси Асқарали Тожинуриддинов. — Қолаверса, акам кўп йиллар мобайнида чойхоначи бўлиб ишлагани боис оромгоҳ ҳаёти билан яхши таниш эдим. Бир муддат жиянларим ҳам унинг фаолиятини қайта тиклашга уриниб кўришди. Лекин бир файз-барака кетса, уни қайтариш қийин экан.

> ***Афсуски, мустақилликнинг дастлабки йилларида машҳур оромгоҳ эътибордан четда қолиб, ташландиқ ва абгор ҳолатга тушди. Маскандаги жиҳозлар хомталаш қилинди, сувсизликдан дарахтлар қуриди. Бугун бу ердаги хунук манзарани кўрган одамнинг қўрқувдан юраги ваҳимага тушади.***

Ўз даврида оромгоҳ шу қадар машҳурликка эришдики, Фарғонада қизларга Наргиза исмини қўйиш урфга кирди. Ҳозирда ўша йиллари туғилган Наргизаларнинг олди набирали бўлган. Бироқ янги авлод вакиллари бу исм тарихи билан боғлиқ хотиралар борасида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. Исми тарихини биладиган бувилар эса бу ҳақда гапиришга уялиши аниқ. Чунки унинг кўрсатишга, мақтанишга арзигулик жойи қолмаган.

Тўғри, кейинги йилларда Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳам оромгоҳ фаолиятини тиклаш бўйича қайта-қайта уринишлар бўлди. Туризм масканига айлантириш, фарғоналик шифокорларнинг дам олиш уйини ташкил этиш мақсадида бизнес-режалар, инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди. Аммо қўлдан-қўлга ўтиб келаётган манзилда ишлар қанчалик тез бошланган бўлса, шунчалик тез унутилди. Натижада экилган дарахтлар қуриди, бошланган қурилиш-таъмирлаш ишлари чала қолиб кетди.

— Оромгоҳ яна тикланса, маҳалладошларимиз учун ўнлаб иш ўринлари яратилишидан умидвормиз, — дейди "Арсиф" МФЙ раиси Орифжон Маражабов. — Қолаверса, Арсифда эко ва агротуризмни ривожлантириш учун катта имконият бор. Ҳудуднинг туризм салоҳиятини ўзаро умумлаштирган ҳолда яхлит тизим яратиш мумкин.

Бу жойни шунчаки ширин хотиралар учун эмас, балки табиати баҳаво, Фарғона ва Қувасой шаҳри, Қува тумани аҳолисига қулай ҳудудда жойлашгани, тайёр инфратузилма борлиги сабабли ҳам қайта тиклаш мақсадга мувофиқ.

Бугун Қувасой шаҳри ва вилоят бўйлаб мароқли дам олиш, туризм масканлари истаганча топилади. Шу жиҳатдан, мазкур оромгоҳ фаолиятини яна тиклаш ва инвестиция киритиш унчалик жозибали туюлмаслиги мумкин. Аммо нима бўлган тақдирда ҳам, довруқли тарихга эга "Наргиз"ни шунчаки қаровсиз ташлаб қўйиш инсофдан бўлмайди.

**Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).**

**Қишлоқ хўжалигида механизациялаш даражасини ошириш, жумладан, жорий йилда пахтани машиналар ёрдамида териб олиш улушини 70 фоизгача етказиш режалаштирилган.**

# РЎЙИ ЗАМИННИ ЯШНАТДИ КЎКЛАМ...



*Баҳор — шунчаки фасл эмас, умид ва янгиланишнинг гўзал тимсоли. Кўкламда рўйи замин ҳам, инсон қалби ҳам гўё қайта уйғонади. Табиат қишнинг қаҳратон совуқларини енгиб, жумлаи жаҳонни яшилликка буркаса, инсон ҳам баҳордан руҳ олиб, янги-янги орзу-умидлар сари интилади. Шундан бўлса керак, баҳорнинг табаррук қадами қалбларда иликлик, юракларда эзгу туйғуларни уйғотади...*

## Сурур

### Гуллар ифорига ошуфта қалб



Озодхон ая ҳар баҳорда кўчасидан оқиб ўтадиган ариқ четига гул экишни канда қилмайди. “Ҳовлингизга кираверишда турфа рангдаги гуллар яшнаб турса, келган меҳмоннинг ҳам баҳридили очилади-да”, дейди у. Ахир, гул — кўнгилнинг безаги, инсон ва табиатни маънан бирлаштирадиган, руҳий мадад берадиган меҳр инъоми-ку!

Энг қувонарлиси, Озодхон аянинг бу ташаббусини қишлоқдаги барча одамлар қўллаб-қувватлаб, баҳор келиши билан кўчасига гул экишади.

Онахоннинг қадди тик, сўзлари бурро. Элнинг кайвониси, қишлоқдошлар тили билан айтганда, “маҳалланинг Фармонбибиси”. Доим савоб ишларга бош қўшиб юради. Маҳаллада дошқозонда сумалак қайнаса, серфарзанд оилаларга кўпроқ юборади. Ночор оилалар рўзғорининг бир четини кўтаришга ҳисса қўшади. “Ҳой, барака топгур, қўлингни қаёққа узатсанг етади, фалончининг рўзғорига бир қарашиб юбор”, дейди тадбиркор танишларига. Ёки қишлоқнинг энг кекса кишисига сумалак юбориб дуосини олади.

— Баҳордай фусункор фасл борми, у юракларга завқ-шавқ улашади, ёшлигингизни эсга солади, — дейди Фарғона вилоятининг Фурқат туманидаги Қизилқиёқ қишлоғида яшовчи 76 баҳорни қаршилаган ва бугунги кунда 4 фарзанд ҳамда қатор набиралар қуршовида кексалик гаштини сураётган Озодхон ая Ботирова. — Гуллар очилиб, хушбўй ифор таратган Наврўз кунларида кўчамизга бир келинг, ҳақиқий мўъжизани ўшанда кўрасиз! Ҳаёт янада гўзал бўлиб кўринади кўзингизга.

Қишлоғимиз кўрки жамоли тобора очилиб боряпти. Одамлар ҳаётидан рози — меҳнат қилиб кам бўлмаяпти. Ёш тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашганидан сўнг қишлоғимиз йигит-қизлари орасида тадбиркор бўлишга иштиёқмандлар кўпайди. Бундай янгиланиш ва имкониятларни кўриб, кексаларимиз доим дуода, шукрона айтишади. Бу юртимизда инсон қадри улуғланаётгани, тинчлик барқарор бўлиб тургани ва Президентимизнинг элга қайишаётгани, меҳрини бераётганининг ёрқин самарасидир.

### Бахшилар баҳордан олади илҳом

Чўпон қўй-қўзиларни кўм-кўк қир-адирларга хиргойи қилиб ҳайдаса, деҳқон кетмонини елкасига олиб даласига шошади. Ўлану лапарлар оҳанги билан бирга бахшининг соҳир овози тоғларга урилиб акс садо беради.

— Ўзи асли бахшилар баҳордан илҳом олади, — дейди деҳқонободлик Қаҳҳор бахши Раҳимов. — Кўм-кўк қир-адирлар, лолалар очилган тоғ сўқмоқлари ҳар қандай одамни шоир қилиб юборади. Бу тоғлар мен учун жуда қадрдон. Раҳматли отам Қодир бахшининг табаррук овози тоғу тошларга урилиб янграган. Ана шу овозни соғиниб, тоғларга қарайман ва беихтиёр куйлагим келаверади:

***Ҳай-ёр-а-а...***
***Ҳут кирганда баланд тоғни қор босар,***
***Мард йигитнинг юрагини ор босар.***
***Кўклам халқим боғлаб маҳкам белини,***
***Ният қилиб, ризқ-рўз учун дон сочар...***

Ҳа, достон ва термалар айтиш унинг қонида бор. Отаси ва боболари ҳам бахши бўлишган. Айниқса, отаси Қодир бахши шомда куйлашни бошлаганда тонг отиб, қуёш терак бўйига кўтарилгунча айтишдан тўхтамаган. Мухлислардан бирортаси кетиб қолмаган. Қодир бахшининг тўрт ўғли ҳам ота изидан бориб, баҳор ва Наврўз айёмларида даврани қизитиб келмоқда. Қаҳҳор ва Абдимурод Раҳимов “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвонига сазовор бўлишган бўлса, Баҳодир ва Баҳром бахши Раҳимовлар қатор танловлар ғолибидир.

2022 йил Қаҳҳор бахшининг “Булбул наволари” термалар тўплами ва “Гўрўғлининг сафари” достони нашр этилди. У бахшичилик ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилганидан қувонади, миллий маданиятимиз дунёда эътироф этилгани унга ижодий куч-қувват бағишлади.

Қаҳҳор бахши Деҳқонобод туманидаги 30-мактабда “Ёш бахшилар” тўгарагини очган бўлса, Абдимурод бахши тумандаги 5-мусиқа ва санъат мактабида бахшичилик синфига раҳбарлик қилмоқда. Улар қўлида таҳсил олаётган шогирдларининг овози Наврўз айёмида қиру адирлар узра акс садо бермоқда.

### Нақшларда яшаётган ўзлик

— Баҳор — моҳир мусаввир. У яратган ранго-ранг гуллар, чечакларнинг ўзи бир асар, — дейди Тошкент шаҳридаги Янги Себзор маҳалласида жойлашган ҳунармандлар маскани раҳбари Гулбаҳор Ўринова. — Юртимизга фусункор ва назокатли фасл — баҳорнинг кириб келиши биз, ҳунармандларга ҳам чексиз илҳом бағишлади. Эътиборли жиҳати, ҳар бир миллатнинг ўзлиги қадимий нақшу безакларда, ипаклари ялтираб жило сочувчи кашта ва палакларда акс этиб туради. Касбим шифокор бўлса-да, ҳар нақши чуқур маъно-моҳиятга эга каштачиликка болалигимдан меҳрим баланд эди. Шу сабаб, 2017 йили маҳаллада ҳунармандлар масканини очдим.



Гулбаҳор Ўринова Янги Себзор маҳалласидаги ташландиқ бўлиб қолган бир бинони олиб, кўркам масканга айлантирди. Бунда, албатта, унга “маҳалла еттилиги” катта кўмак берди. Улар банкдан кредит олишда ва маҳалладаги ҳунармандчиликка иштиёқманд кишиларни жалб қилишда бош-қош бўлди. Эътибор ва ғамхўрликка жавобан ҳунарманд 14 та янги иш ўрни очиб, маҳалла болалари бепул ҳунар ўрганишига имконият яратиб берди.

— Ҳунарли одам — бахтли одам, дейишлари рост экан, — дейди Гулбаҳор. — Бунга шу масканни очиб, ҳаётим ижобий томонга ўзгариб кетганини мисол қилиб келтириш мумкин. Уч фарзандим тарбияси, уларнинг илм эгаллаши ва жамиятимизга наф келтирадиган мутахассис бўлиб улғайишига ғамхўрлик кўрсатяпман. Инсон ўз меҳнати билан бизнесини яратса, ҳалол ишласа, албатта, катта ютуқларни қўлга киритади. Шу жиҳатдан, ҳунармандчилик мени шундай истиқболли манзиллар сари чорламоқда.

Масканга яқинлашар экансиз, куртак ёзаётган дарахтлар, анвойи гулларга кўзингиз тушади. Фусункор баҳор бу гулларга зеб бериб, зийнатламоқда. Осмондан ёғаётган барака томчилари нав-ниҳолларга жон бахш этмоқда. Уларга қараб Гулбаҳор ҳам қувонади, яратаётган ҳар бир нақшида шу гулларни улгу қилиб олади.

Бежиз баҳорни аёлга қиёслашмайди. Гўзаллиги, ҳусну малоҳати ва яратувчилиги билан аёл ҳам табиатга ҳамоҳангдир...

**Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).**

## ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

### ГРИН-КАРТА ЛОТЕРЕЯСИ ҚОИДАЛАРИ ЯНГИЛАНАДИ

*АҚШ ҳукумати грин-карта лотереясида иштирок этиш қоидаларини янгилашни режалаштирмоқда. Ўзгаришлар 2026 йил 10 апрелдан кучга кириши мумкин ва “DV-2027” лотереясига тааллуқли бўлиши кутилмоқда.*

Бу ҳақда АҚШ Федерал реестри сайтида ахборот берилган.

Лойиҳага кўра, “Diversity Visa Program” (грин-карта лотереяси)да иштирок этиш учун амалда бўлган хорижга чиқиш паспорти талаб қилинади. Анкетага паспортнинг шахсий маълумотлар ва имзо жойлашган саҳифасининг сканерланган нусхасини бириктириш керак бўлади. Шунингдек, ариза топшириш учун рамзий тўлов — 1 доллар жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Яна бир ўзгариш анкета тўлдириш вақтига тегишли. Ҳозир бунинг учун 30 дақиқа берилади, янги қоидаларга кўра эса бу муддатни 90 дақиқагача узайтириш режалаштирилган. Давлат департаменти хабарига кўра, бу чоралар фирибгарлик билан берилган аризалар сонини камайтириш ва дастур шаффофлигини оширишга ёрдам беради.

Лотереяда иштирок этишнинг асосий талаблари ўзгаришсиз қолади.

### ТИНИМСИЗ ЁМҒИР КЎЧКИГА ОЛИБ КЕЛДИ

*Эфиопияда ёғингарчилик туфайли содир бўлган ер кўчкиси оқибатида 50 дан ортиқ кишилар ҳалок бўлди. Яна 125 киши бедарак йўқолди.*

Бу ҳақда “ABC News” хабарида айтилди.

Табиий офат Гамо ҳудудидаги учта туманни — Гачо-Баба, Камба ва Бонкени қамраб олган. Айни дамда табиий офатдан нечта хонадон зарар кўргани аниқлаштирилмоқда. Жанубий Эфиопия штати раҳбари Тилаҳун Кебеде фожиа муносабати билан ҳамдардлик билдирди ва аҳолини хавфсизроқ ҳудудларга кўчишга чақирди.

Унинг айтишича, “ҳозир ёмғирлар мавсуми бўлгани сабабли бундай офатлар яна такрорланиши мумкин”. Эфиопияда кучли ёғингарчилик туфайли юзага келадиган сел ва кўчкилар тез-тез кузатилади.

### ҚАДИМИЙ ХАРИТА ТИКЛАНМОҚДА

*Халқаро тадқиқотчилар гуруҳи ўрта асрларга оид энг қадимги юлдузлар харитасини рентген нурлари ёрдамида сканерламоқда. “ScienceAlert” порталидаги хабарда айтилишича, унинг матни остида антик даврга тегишли юлдузлар каталоги яширингани айтилмоқда.*

“Хаританинг муаллифи милоддан аввалги 190 — 120- йилларда яшаган қадимги юнон астрономи Гиппарх бўлган” деб тахмин қилинади. У Ғарб анъаналарида юлдузлар каталогини тузган ҳамда Қуёш ва Ойнинг осмон гумбазидаги ҳаракатини аниқлаган биринчи олим ҳисобланади. Узоқ вақт давомида Гиппархнинг асарлари деярли йўқолган, деб ҳисоблаб келинган. Унинг ишларини тиклаш учун янги имконият 2022 йилда, тадқиқотчилар VI асрга оид ўрта аср қўлёзмасини ўрганганида юзага чиқди.

Маълум бўлишича, кейинчалик ёзилган матн остида қадимги астрономик ҳужжатнинг излари яширинган. “Codex Climaci Rescriptus” номи билан машҳур бўлган ушбу қўлёзма ҳозирда АҚШдаги “SLAC National Accelerator Laboratory”да ўрганилмоқда. Таҳлил учун синхротрон — кучли рентген нурларини олиш имконини берувчи зарралар тезлаткичидан фойдаланилмоқда.

### ФИЛЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

*Ҳиндистонда ёввойи ҳайвонларни ҳимоя қилиш ва даволаш билан шуғулланувчи “Wildlife SOS” ташкилоти узоқ йиллардан бери мавжуд бўлган муаммога ноодатий ечим топди.*

Гап шундаки, мутахассислар ветеринария ёрдами керак бўлган филларни узоқ масофаларга хавфсиз ташиш мақсадида махсус юк машинасини қайта жиҳозлаб, мослаштирди. Машина ҳайвонлар ҳамда йўл ҳаракати иштирокчилари учун хавфсизликни таъминлайдиган тарзда ишлаб чиқилган.

Машинанинг ички қисми филни тинчлантириш ва уни барқарор ҳолатда ушлаб туриш ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилган. Унда махсус камарлар, маҳкамлаш мосламалари ва ветеринарларга дори юбориш ҳамда филнинг ҳолатини назорат қилиш имконини берадиган кириш нуқталари мавжуд. Бу орқали мутахассислар ўзларини хавф остига қўймасдан ҳайвонга ёрдам бера олади.

**Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

## Огоҳлик

### ОФАТ ЖОЙ ТАНЛАМАЙДИ

*Ҳеч бир мамлакат табиий ва техноген офатлар хуружидан кафолатланмаган. Айниқса, сел ёки сув тошқинлари оқибатларига кўра зилзиладан кейинги мудҳиш ҳодисалардан ҳисобланиб, катта вайронкорлик хусусиятига эга. Халқимиз “Сув балосидан Ўзинг сақла”, деб бежиз айтмайди. Сел ва сув тошқинлари — табиатнинг ўта хатарли, фалокат келтирадиган, кутилмаган офати.*

Маълумки, қишки ёғингарчилик меъёрдан ортиқ бўлган йилларда баланд тоғлардаги қор ёки музларнинг кескин эриши ёки муттасил жала ёғиши оқибатида сел ва сув тошқинлари кўпроқ кузатилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, республикамизда сел тошқинлари март ойидан август ойигача бўлган давр ичида кўпроқ кузатилади. Апрель билан май ойларида сув тошқинлари тез-тез қайтарилиб туради. Сел, асосан, кучли ёмғирлардан шаклланиб, шиддатли тус олади. Аммо сел ва сув тошқинлари нафақат ёғингарчиликнинг жадаллашувига, балки тегишли тупроқ таркиби, ўсимликлар, ҳаво ҳарорати каби омилларга ҳам боғлиқ.

Тоққа яқин ва тоғли ҳудудларда қор-ёмғир тушган йиллари сел ва сув тошқинлари ҳаво ҳароратига ҳамда ёғингарчилик миқдорига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Тоғ ва адир зоналаридаги кичик-кичик сойлардаги жала ва ёмғирдан ҳосил бўлган сел тошқинлари ўзи билан кўп миқдорда майда қум ва тупроқларни олиб келади, шиддат билан ўтиб, катта емириш кучига эга бўлади.

Ер силкиниши билан боғлиқ табиий офатларни башорат қилиш мураккаб бўлгани каби сел ва сув тошқинлари хусусида ҳам олдиндан аниқ бир гапни айтиш қийин. Шу боис бундай офатлардан ҳимояланиш чора-тадбирларини олдиндан кўриш, хавфсизлик қоидаларига доим риоя қилиш тавсия этилади.

Ўтган қиш фаслида мамлакатимизда яхшигина қор ёғди. Бундан ташқари, бир неча кун олдин кузатилган ёғингарчилик туфайли тоғларда салмоқли қор уюми ҳосил бўлди. Маълумотларга кўра, юртимизга иссиқ ҳаво оқимлари кириб келмоқда. Бу эса қорларнинг шиддат билан эриши ва сел ҳамда сув тошқинларига сабаб бўлиши мумкин. Шу туфайли юртдошларимиз, айниқса, тоғолди ҳудудларида яшовчи аҳоли ҳушёрликни янада ошириши лозим. Зеро, табиий офатларнинг аянчли оқибатларидан сақланиш ўзимизга ҳам боғлиқ.

**Азамат СУЮНОВ, ФВВ ходими.**

РЕКЛАМА

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади**

**МЕХАНИКА МУҲАНДИСЛИГИ ФАКУЛЬТЕТИ**

1. **Материалшунослик кафедраси:** доцент (1);
2. **Ер усти транспорт тизимлари кафедраси:** доцент (1);
3. **Хизмат кўрсатиш техникаси кафедраси:** профессор (1), доцент (1);
4. **Металлар технологиялари кафедраси:** катта ўқитувчи (2), ассистент (1);
5. **Назарий механика ва машина ва механизмлар назарияси кафедраси:** доцент (1);
6. **Материаллар қаршилиги ва машина деталлари кафедраси:** кафедра мудири, профессор (1).

**НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ**

1. **Нефть-газ кимё саноати технологияси кафедраси:** доцент (1);
2. **Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси:** кафедра мудири, профессор (1);
3. **Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси:** профессор (3), доцент (3);
4. **Саноат дизайни кафедраси:** доцент (1).

**ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА МУҲАНДИСЛИГИ ФАКУЛЬТЕТИ**

1. **Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси:** катта ўқитувчи (1), ассистент (1);
2. **Ахборотларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари кафедраси:** профессор (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (1);
3. **Рақамли электроника ва микроэлектроника кафедраси:** кафедра мудири;
4. **Ахборот технологиялари кафедраси:** доцент (1), ассистент (1).

**ЭНЕРГЕТИКА МУҲАНДИСЛИГИ ФАКУЛЬТЕТИ**

1. **Электр машиналари ва юритмалари муҳандислиги кафедраси:** доцент (1).

**ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ВА КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

1. **Металлургия кафедраси:** кафедра мудири;
2. **Маркшейдерлик иши ва геодезия кафедраси:** доцент (1).

**ФАКУЛЬТЕТЛАРАРО УМУМТАЪЛИМ КАФЕДРАЛАРИ**

1. **Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси:** катта ўқитувчи (1);
2. **Олий математика кафедраси:** доцент (2);
3. **Умумий кимё кафедраси:** доцент (2).

**ЧЕТ ТИЛЛАРИ МАРКАЗИ**

1. **Чет тиллари кафедраси:** ассистент (2).

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

**Эслатма:** мазкур университетда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтади.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси 425, 212-хоналар.

**Телефонлар:** 71-207-08-59, 71-207-14-52.

**«Elektron Realtor» МЧЖ** тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ балансида бўлган:**

— Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, “Мирзо Голиб” МФЙ, Менделеев кўчаси, 8-уйда жойлашган тикувчилик цехи ва маъмурий биноси сотилади.

Сотиш шарти ва нархи билан “www.e-rieltor.uz” сайти орқали танишишингиз мумкин.

Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имкони мавжуд.

*Савдода иштирок этиш учун талабгорлар **“e-rieltor.uz”** платформаси орқали ариза беришлари лозим.*

**Call-марказ: +99855-517-22-20.**
**Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz**

**Жорий йилнинг 30 июнь — 8 июль кунлари Қирғизистонда шахмат бўйича 8 — 18 ёшли ўғил ва қизлар ўртасида Марказий ва Шимолий Осиё чемпионати бўлиб ўтади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 879 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди —00.10 1 2 3 4 5 6